



ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИ МАСАЛАЛАРИ

Илмий мақолалар
тўплами

ТОШКЕНТ-2012

2.3
-26

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

**ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИ
МАСАЛАЛАРИ**

Илмий мақолалар тўплами

ТОШКЕНТ - 2012

Шарқ халқлари адабиётини ўрганиш, уни кенг китобхонлар оммасига етказиш шарқшуносликнинг етакчи вазифаларидан биридир. Фольклор мерос эса ҳар бир миллат адабиётида ўзига хос миллий ва анъанавий хусусиятларга эгадир. Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган **Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси»** номли илмий-тадқиқот лойиҳаси аъзолари томонидан тайёрланган. Тўпламга ўзбек шарқшуносларининг афғон, форс, араб, ҳинд, хитой ва корейс халқлари адабиётининг фольклор меросига доир илмий мақолалари киритилган.

Тахрир хайъати

Филол.ф.д., проф. Маннонов А.М.

Филол.ф.н., доц. Муҳибова У.У.

Такризчилар:

Филол.ф.д., проф. Ходжаева Р.У.

Филол.ф.д., доц. Алимбеков А.

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан 2012 йил 1 ноябрь 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ СЎЗИ

Охирги йилларда шарқшунос олимлар ўртасида фольклорга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортиб бормоқда¹. Бу, албатта, бежиз эмас: чунки, адабий мерос ҳақида сўз борганида биз маънавий мероснинг асосини ташкил этадиган, кўп асрлар давомида халқ учун энг асосий манбаъ сифатида хизмат қилиб келган ва халқнинг кайфияти, азалий интилишлари ва маънавий олами ўз аксини топган фольклорни назардан четда қолдиришимиз мумкин эмас.

Асрлар оша фольклор ва адабиёт ўзаро узвий боғлиқликда ва ўзаро таъсирда бўлиб келган ва фольклорнинг “сўз санъатининг ибтидоси”² бўлганлигига ва бадиий асарлар учун манбаъ бўлиб хизмат қилганлигига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда адабиёт фольклор ривожига ҳам таъсир кўсатган. Халқ оғзаки ижоди адабий мавзулар доирасида ривожланади, адабий манбаълардан олинган кўшиқлар фольклор кўшиқлар билан биргаликда оммавийлашади ҳамда сўз усталарининг чуқур мазмунли ибора ва афоризмлари фольклор оламига кириб бориб, мақол ва маталларга айланади.

Мазкур тўпلامда Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлактларига оид материаллар асосида фольклорнинг адабиёт ривожининг турли босиқчларида тутган ўрни билан боғлиқ комплекс муаммолар ўрганилади. Тўпلامда ўрта асрлар адабиётининг фольклор билан яқинлик хусусиятлари,

¹ Жумладан, қаранг, Мухтаров Т. Арабская средневековая новелла. авт. докт. дисс. Москва 1994; Маннанов А. Рошанская литература. Фан. Ташкент 2006; Зиямухамедов Ж.- Пу Сунглиннинг сеҳрли новеллалари. авт. кан.дисс. Ташкент 2005; Мухибова УУ. Индийская агиографическая литература. Ташкент 2008; Мухтаров Т. Жанры средневековой арабской прозы (сира). Ташкент 2010; Саидазимова У. «Хон Кил Дон хакида кисса». Ўрта аср корейс насрининг намунаси. авт.кан. дисс. Ташкент 2011.

² Горький М. Собр. соч. Т. 27. Москва 1953. Стр. 342

халқ оғзаки ижоди ва асотирлари таъсири остида шаклланган адабий образ, сюжет ва жанрлар масаласи кўрилади.

Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган **Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси»** номли илмий-тадқиқот лойиҳаси асосида бунёдга келди. Мақола муаллифлари томонидан фольклор ва адабиёт ўртасидаги ғоявий ва бадиий алоқалар масалаларининг ижодий ўрганилиши жаҳон адабий жараёнларини яна ҳам чуқурроқ англаш ва тушуниш имкониятини беради, деб умид қиладилар.

Темур Мухтаров,
филология фанлари доктори, профессор